



АЗИЗ ВА МЕХРИБОН ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

ҲАМИША ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД, УМРИНГИЗ УЗОҚ, РИЗҚ-НАСИБАНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

ЎЗБЕКИСТОН



8 март

Халқаро хотин-қизлар куни

ОҶОҶИ

ЎЖИМОЙ-СИЙОСИ ГАЗЕТА



2004-ҲИЛ 6-МАРТ ШАНБА 27 (27.202) uzbovozi@sarkor.uz 1918-йил 21-йилдан чиқа бoшлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Гўзал ва бетакрор юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган мана шу кунларда, табиат уйғониб, чирой очабтган шукуҳли лаҳзаларда сиз, азизларни, муҳтарам опа-сингилларимиз, мунис оналаримиз, лобар қизларимизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан табриклардан бахтиёрман. Ҳаётимиз файзи ва кўрки бўлган сиздай мўтабар аёл зоти ҳақида сўз юритиш, кутлуг айёмингиз билан муборакбод этиш — ҳам осон, ҳам мушкул бир вазифа.

Осонлиги шундаки, сизларнинг ҳақингизда қандай таъриф ва мадҳиялар айтмайлик, уларнинг барчаси сизларга бениҳоя ярашади.

Аммо, сизларнинг шаънингизга қутлов битиб, эътиборингизни тортиш сиз аёл зотига мансуб эзгулик ва нафосат, вафо ва садоқат каби фазилатларни юксак маҳорат билан тараннум эта оладиган сўз устаси бўлишни талаб этади.

Шу боис биз — эркаклар яхши тушунамизки, бугун сизларга бағишлаб ҳар қанча чиройли сўзларни айтмайлик, барбир аёл васфининг буюк куйчиси бўлмиш ҳазрати Алишер Навоийдан ўтказиб, ул зотнинг:

Ҳар қаён боксам, юзимга ул қўшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур, — деган сатрларидек ёрқин ва таъсирли қилиб айта олмаимиз.

Ҳеч шубҳасиз, мана шу байрам кунлариде аёлларни табриклар, уларнинг кўнглини шод этишни орзу қилган юртимизнинг ҳар бир ўғлини ўзининг шоир бўлмаганига беҳиёт афсус чекади.

Ва мана шундай мунаввар дамларда ҳаммамизнинг ҳаёлимиздан бир фикр ўтади: агарки, бугун кўпчилик дунё мамлакатлари нишонлаётган 8 март санаси бўлмаганида ҳам, ҳаёт устани ва инсон гўзаллиги, меҳрибонлик ва садоқат намунаси бўлмиш сиз, азизларни улуғлаш, сизларга муносиб эҳтиром кўрсатиш учун бундай ахойиб байрамни ўйлаб топши ва ўтказиш зарур бўлар эди.

Азиз опа-сингилларим!
Одамзот ақлини тангданган бошлаб то умрининг охиригача унга ҳаёт берган, оқ юзуб, оқ тарагим муқаддас зот — Она олдида ўзини доимо қардор деб ҳис қилади.

Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман ҳаётимизга маъно-мазмун бағишлайдиган, бизни одамийлик, мардлик ва олижанобликка, ҳақиқий инсон бўлишга қорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббат ва заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳозирги мураккаб даврнинг қайси томонини олайлик, асрлар таърибасидан ўтган бу ҳақиқатни барчамиз ҳаммиса ҳис этиб яшаймиз.

Шу сабабли ҳаётнинг ташвишини ҳам, қувончини ҳам биринчи гада сезадиган, таъбир жўз бўлса, жамиятимизнинг ҳарорат даражасини аниқ акс эттирадиган — бу аёл зоти, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида жохон ҳамжамияти билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб, шу мақсадда қанча-қанча муаммоларни ечиб, оғир синовлардан ўтиб келаётган эканмиз, қайси жабҳада бўлмасин — бу дала ишлари ёки фермерлик бўладими, ишлаб чиқариш ёки фан, таълим ва маданият соҳаси бўладими — уларнинг барчасида хотин-қизларимизнинг беқийс ҳиссасини кўришимиз мумкин.

Бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан қўлга киритаётган ютуқларимиз, фидокорона меҳнат билан топаётган бойлик ва даромадимизни одамларимиз, аввало, сиз, хурматли опа-сингилларимизнинг ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш, оғирини енгил қилишдек муҳим мақсадларга жалб этаётганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, кейинги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, оила ва маҳалла тизимини мустаҳкамлаш каби биз учун устувор бўлган вазифаларни амалга оширишда, жумладан, бу йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганимиз замирида ана шундай мақсадларга қаратилган давлат сиёсати муважжаб эканини ҳам сизлар яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Айни вақтда нафақат оилада, балки маҳалла-қўй, бутун жамиятда меҳр-оқибат, самимият ва саховат муҳитини асраб-авайлаб, мустаҳкамлашга интилиб яшаётган сиз, азиз аёлларимизни чинакам меҳр-мурувват тимсоли деб атасак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз бундан кейин ҳам ўз олдимизга узоқ ва давомли мақсадларни қўйиб эканмиз, аёлларимизнинг ҳақ-хуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эскидан қолган қарашлардан воз кечиш, уларни том маънода ҳаётни бошқарадиган ҳал қилувчи ўринлар ва вазифаларга кўтариш, уларга ишонч билдириш мақсади бугунги кунда ҳам ҳали-бери ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу боис мен барча юртдошларимизга қарата, аёлларни фақат мана шундай байрам арафаси ва байрам кунларида эмас, балки кундалик ҳаётимизда қадрлаш ва улуғлаш доимий бурчимизга айлانسин, деб даъват этмоқчимман.

Азизларим, меҳрибонларим!

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз, қадрли опа-сингилларимизга, тарихимизнинг ҳозирги мураккаб ва масъулиятли даврида мана шу муборак заминни обод қилиш, бунёдкорлик ишларимиз ва эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқариш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида кўрсатаётган фидойилигингиз учун чукчур миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларни баҳор дарақчаси бўлмиш гўзал байрамингиз билан яна бир бор кутлайман.

Ҳамиша толенгиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибангиз зиёда бўлсин!
Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини



Масъум кўзингизда баҳор яширин,
Кулгуси оламга татиғулик қиз.
Муҳаббат меваси бунчалар ширин,
Ўзингизда ҳилол яшагудек қиз.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат

МЕҲР ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Аёл азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Аёл деганда кўз ўнгимизда, аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси гавдаланади. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сир асрорлари ва сабоқларини онанинг меҳру саховати туфайли ўрнади. Аёл борки, олам мунаввар, аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор.

5 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг мамлакатимиз хотин-

қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова хотин-қизларимиз тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва биродарлик, меҳр-оқибат ҳукми сураётган мамлакатимизни янада раванқ топтириш йўлида, жамиятимизнинг барча соҳаларида, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият тармоқларида жонбозлик кўрсатаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳалқимиз, аввало, опа-сингиллари-

миз, мунис онахонларимиз турмуши фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгандир. Оналик ва болаликни ҳимоялаш, баркамол авлоднинг вояга етказиш, оила ва маҳалладаги аҳиллик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрликла-

ри ва нишонлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, юртимизда ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намойиш этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Кеча санъат усталари ва икромчи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

Ҳар йил баҳор бошида, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари эълон қилинади.

Куни кеча мамлакатимизнинг ноёб истеъдодли, зукко қизларидан ўн тўрт нафарига Зулфия номидаги Давлат мукофоти тантанали равишда топширилди.

АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон миллий матбуот марказида ана шу мавзуда брифинг бўлиб ўтди. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳақ-хуқуқлари ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қатор қонунлар қабул қилинди.

Сўнгги йилларда республикада хотин-қизлар соғлигини муҳофаза қилиш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Аммо бу йўналишда ҳали қишлоқ жойларида ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Ҳозирги пайтда Республика хотин-қизлар кўмитаси ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида юртимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда.

Маълумки, ривожланган давлатлар таърибаси аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда бундай ташкилотларнинг ўрни гоъта муҳимлигини кўрсатмоқда.

Брифингда ана шу масалалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

«АВИАСОЗЛАР» САРОЙИДА

Хотин-қизларга эҳтиром кўрсатаётган жамиятнинг келажакли, ижтимоий ҳаёти адолатли бўлиши шаксиз. Республикада хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли жаҳалардаги фаоллигини оширишга катта эътибор бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиб келмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги «Авиасозлар» маданият саройида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва В.П.Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан катта байрам тадбири ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан бирлашма бош директори, ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси Вадим Кучеров, ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов йиғилганларни байрам билан қизгин табриклар билан эсдалик совғаларини топширдилар.

Тадбир сўнгинда намойиш этилган катта концерт дастури байрам иштирокчиларига манзур бўлди.

Ўз муҳбиримиз

«АЁЛ — БУЮК МЎЪЖИЗА»

ТОШКЕНТ (ЎЗА муҳбири Хулқар СОДИКОВА). Мамлакатимизда таълим, фан, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, ёш авлоднинг Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда мураббийларнинг ўрни беқийс. Бундай масъулиятли вазифани адо этишда айниқса, муаллимларнинг хизмати катта.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг яримдан кўпчилиги хотин-қизлар ташкил этади.

Бугунги кунда ана шундай фидойи ўқитувчилардан уч нафари «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлган. Биргина

ўтган йилнинг ўзида 82 нафар хотин-қиз ўқитувчи ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланди.

Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш, малякасини ошириш ўқув-методик марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан бўлиб ўтган «Аёл — буюк мўъжиза» мавзудаги байрам тадбирида шулар ҳақида сўз борди.

Унда таълим мўъжиза мавзудаги хизмат қилаётган икки юздан зиёд аёл ўқитувчи-мураббийга Халқ таълими вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида «Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаолияти: муаммолар ва истиқболлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг вакиллари ўз ташкилотларининг дастурий мақсадлари ва фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар.

Учрашувда ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов ва МК котиби Михаил Ельшов ҳам қатнашиб, партияимизнинг жамиятдаги мавқеи, олиб бораётган ишлари ва режалари тўғрисида далиллар билан гапириб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAKKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

МИЛЛАТГА ЭҲТИРОМ — АЁЛГА ЭҲТИРОМДАН БОШЛАНАДИ

АЁЛ ҚАДРИНИ БАЛАНД ТУТГАН ХАЛҚ, АЁЛИ ЭЪЗОЗЛАНГАН МАМЛАКАТ ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ
УЛУГЛАЙДИ. БУНДАЙ ВАТАНДА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДЛАР ВОЯГА ЕТАДИ

Тарихнинг гувоҳлик беришича, буюк шахслар, жаҳонгирлар оқила аёллар айтган аллани тинглаб улғайганлар. Халқнинг ўлмас дostonлари, замирида ҳақиқат яширин афсоналари, ҳаёт алифбоси бўлган эртақларни гўдаклар қалбига синдирувчи ҳам оналаримиздир. Аста-секин болалик хайратлари қомилликка, она тафти орқали ўтган меҳр, муҳаббатга айланб боради. Демак, барчамиз учун биринчи тарбиячи — бу оналардир.

Дунёга келган гўдак оламни она кўзларида кўради. У илк сўзларни она алпаси орқали эшитидади. Тириклик неъматларидан бахраманлик ҳам она сўтидан бошланади. Худди куёвнинг оламни зулмат қоплаганидек, аёлсиз ҳаёт ҳам бўлмайди. Ҳа, аёл кела-

жак ижодкори. Донишмандлардан бири айтган экан: «Кўёвсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёлсиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди».

Она ҳамон йўл қарайди... Эшикни беҳос чертган шамол уни энтиктиради. Кўринган шарпа, эшитилган овоз унга боласи бўлиб туюлаверади. Дунёдаги барча оналар ўз жигаргўшаларининг йўлига нигорон. Оналар сочига оқ оралайди, кўзидан нур кетади. Лекин улардаги бир туйғу ҳеч қачон қаримайди. Бу — соғинч. Фарзандига бўлган шаффоф меҳр. Агар ёруғ оламда биргина самимийлик бор бўлса, бу ҳам онанинг ўз зурриёдига бўлган муҳаббатидир. Сизни кутаётганлар, йўлингизга термулаётганлар ичида ёлғиз онанинг орзу-

умиди битта, бу фарзанд дийдоридир.

Бешик кучган бедор аёл. Олам уйқуда. У нимадандир безовта бўлган гўдакка алла айтмоқда... Дарду дунёси, Яратгандан фарзандига тилайдиган омонлигу бахт-иқбол мана шу оҳангларда таралмоқда. Аллақачон ухлаб қолган боласига она ҳамон алла айтаёттир. Худди улғайганимиздан сўнг ҳам оналаримиз бизни гўдак каби ардоқлаганларидек, она айтаётган алладан титроққа тушган дарахлар тебранади. Отмоқни бўлаётган тонг сукут сақлайди. Она олдида, унинг сабри қаршида ҳатто тоғлар бош эгади.

...Онам тайёрлаган таомни иштаха билан тановул қилаётганимда бирдан ширин бўлибди, деганимни билмай

қолдим. Онажоним пиширган овқатлар гарчи оддий бўлсада, шунчалар мазали эди-ки! Шу пайт ёнимда ўтирган етмишни қоралаб қолган оппоқ соқолли отам гапириб қолди:

— Менинг онам ҳам ширин овқат пиширар эди... — кўзларига ёш келди. — Англаганим шу бўлдики, оналаримиз овқатларига меҳр қўшилган экан. Яна шунин билдимки, дунёда ҳар бир инсон учун энг ширин таом — бу она тайёрлаган овқат экан...

Миллатга эҳтиром — аёлга эҳтиромдан бошланади. 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунини давлат бошчилигиндан тортиб, оддий фуқарога сизга чексиз, меҳр ва эҳтиром кўрсатади. Бу эса миллатга эҳтиромимизнинг рамзидир. **Фаррух ҲАМРОЕВ**



Олима аёлларимиз фарзанд тарбияси, уй юмушларидан ортиб фанимизнинг машаққатли маззуларидан изланишлар олиб бормоқда.

Дилором Салоҳий, филология фанлари доктори, Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси профессори лавозимда фаолият кўрсатади. У СамДУ қошидаги иктисослашган кенгаш раиси ҳамдир. Олиманинг етмишдан ортиқ илмий мақолалари, «Бадоеъул-бидоя малоҳати» монографияси, Навоий ижоди бўйича дарслик ва қўлланмалари нашр этилган.



Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг тинч ва осуда яшашларини таъминлашда прокуратура органларининг ҳиссаси салмоқли, аibatта.

Ана шундай масъулиятли касб эгалари орасида Шугна қўзлаб аёлларимиз ҳам бор. 1-даражали хуқуқшунос **Шоира Ашурова** шундай матонатли, довурак аёлларимиздан бири. Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Шоира Ашуровани ҳамкасблари яхши дўст, жонқуяр инсон ва ўз ишининг фидойиси сифатида ҳурмат қилишади.

Вера ПАК:

«БАҒРИКЕНГЛИК — БИЗГА ХОС»

Хивадаги 20-сон Мехрибонлик уйи директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

— Инсоний фазилатларнинг энг олийси — меҳр. Шундан бўлса керак уни одатда кўёвсизга қиёслашди. Биз бунга кундалик иш фаолиятимизда ҳар қадамда дуч келамиз. Мехрибонлик уйига келтирилган жажжи гўдакни кўз олдингизга келтиринг. Ота-онасидан жудо бўлган ёки айри тушган болакайнинг кўзларида мунг, илнж бўлади. Илк бора унга айтилган илнж сўз ҳар недан устун. Бу калом унинг қолган бутун ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Уни ҳаётга қайтарувчи бу сехрли сўзни Мехрибонлик уйига келган гўдакка дастлаб тарбиячиларимиз айтадилар.

— **Амалдаги йилнинг номланиши ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик...**

— Буни шарқона кадрларнинг мустақиллик туйғайли турмуш тарзимизга қайта татбиқ қилиниб, эндиликда у шунчаки таърифдан давлат сиёсати даражасига



кўтарилаётгани, деб биламан.

— **Вера опа, Мехрибонлик уйида қилинаётган ишлардан сўзлаб берсангиз.**

— Ҳозир бизда 140 нафар бола тарбияланмоқда. Амалдаги йил барчамизга янада масъулият юклайди. Ростини айтсам, бир қадар муаммолар пайдо бўлган эди. Виллоят ва туман ҳокимликларининг бевосита ёрдами билан биноларимиз тўла таъмирдан чи-

қарилди. Янги жиҳозлар, ўқув қуроллари, дарслик-қўлланмалар, кийим-кечаклар олиб келинди. Айни пайтда бизга доим ҳомийлик қилиб, муруват қўлини чўзаётган виллоят ички ишлар органлари, «ЭКОСАН», «Болалар», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда қатор саховатпеша кишиларнинг ёрдамида турли байрамларни тантанавор ўтказиш имконимиз кенгайиб бормоқда. Халқимизга хос бундай бағрикенгликдан тарбияланувчиларимиз меҳр кўрмоқда.

— **Эртанги кун учун қайғуриш, бунга олдиндан ҳозирлик кўриш халқимизнинг азалий одатларидан. Айтايлик, ҳар бир ота-она ўз фарзандини ўқитиш, уйлантириш, уйли-жойли қилиш учун бутун умри давомида қайғуради...**

— Тўғри. Биз тарбияланувчилар учун фақатгина балоғат ёшига етгунга қадар масъул эмасмиз. Уларнинг эртага ўзлари танлаган соҳа бўйича ўқишлари, ишга жойлаштириш назоратимизда бўлади. Бу борада аввало ҳукуматимиз, қолаверса ҳомий ташкилотлар мададига суянамиз.

Менинг тилагим — тарбияланаётган барча фарзандларимиз омон бўлсинлар. Бахорини қийфат уларни тарқ этмасин.

Рўзимбой ҲАСАН
сўхбатлашди

Муҳаббатхон АБДУЛЛАЕВА:

«ЭНГ ГЎЗАЛ СОҒИНЧ — КЕЛАЖАК СОҒИНЧИ»



Гўзаллик, ҳусну тароват назорату латофат, оқилаю дилбарлик ҳар бир аёлда мужассам. Аммо бу сифатлар унинг феълидай турфа, нозидай истиғноли. Ҳар бир аёл зоти ҳақида нимадир яхши сўз айтиш мумкин, деган машойихнинг фикри эса масъулият уйғотади.

Бундан 20 йил олдин олийгоҳни тамомлаб, Уйчи туман хуқуқни муҳофаза қилиш органларида меҳнат фаолиятини бошлаган Муҳаббатхоним ўтган давр мобайнида катта чинқиш мактабини ўтади. Турли лавозимларда кечган жўшқин фаолияти билан одамлар қалбидан янада кенгроқ ўрин олди. Эл назарига тушди.

Ажойиб хуқуқ тарғибчиси, маънавият ва маърифат жарчиси, ширинсўз инсон сифатида эътибор топан аёлнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган виллоят партия Кенгашига раҳбарлик қила бошлаганига ҳадемай беш йил тўлади.

Қишлоқларда, ҳўжалик, қорхона ва ташкилотларда опанинг мухлислари борлиги эътирофли.

Раҳбар аёл, унинг оила, рўзгор ташвишларидан холироқ туюладиган тавсифида аслида оғирроқ заҳмат, оғриқлироқ соғинч, беором, бедор лаҳзалар қўлиги, у аёллик юки билан бирга умумхалқ, умумдавлат манфаатлари учун жонини қирққа бўлган, меҳр билан сехрлар бино қилган, балки шунинг учун таърифга сиғмас.

— Бугунги аёл бундан ўн йил аввалги аёл эмас, — дейди опа. — Демократияни тушуниш, фуқаролик жамиятини англаш, хуқуқий давлатчилик асосларини идрок қила билишда айнан аёللнинг фаоллиги жуда зарур. Баъзан ҳаётни кузатиб, воқеа-ҳодисаларни ўзимча таҳлил этиб хулоса қиламанки, илгари адабиёт фанини ҳаёт дарслиги деб ўрганиларди. Энди жамият ривожланиш йўлига ўтди. Дунё ўзгариб, янгилашиб бормоқда. Айниқса, бизнинг Ўзбекистонда — фуқаролик жамияти қурилаётган мамлакатда ҳаёт дарслиги қонулар бўлиши керак. Мен буни хуқуқшунос, сифатида эмас, оддий она, аёл, онгли бир фуқаро сифатида ўйладим, хулосаладим. Ахир энг гўзал соғинч — келажак соғинчи...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Мавжуда АЛИМОВА:

«БАХТСИЗЛИК КЎРМАСЛИК БАХТИ НАСИБ ЭТСИН!»



У жамоадолари орасида ўзгача ҳурмат, эҳтиром ила тилга олинади. Чунки, опа сиймоси малакали шифокор, тажрибали мутахассис, талабчон раҳбар, меҳрибон инсон сифатида намоён бўлади. 45 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида 80 га яқин илмий мақола, 5 та услубий қўлланмаси чоп этилган. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мавжуда Алимова 30 йилдан буён Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг физиотерапия ва тиббий тикланиш кафедрасида меҳнат қилиб, минг-минглаб шифокорларга сабоқ берди. Мана 12 йилдирки, Мавжуда опа М.Федорович номидаги клиник санаторийсида даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби

лавозимида меҳнат қилмоқда. Жамоадаги барча маънавий-маърифий ва бошқа турли тадбирларнинг ташаббускори, ташкилотчиси.

— Санаторийимизда асосан юрак, қон-томир, мия, ошқозон, ичак, жигар, ўпка касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар. — дейди Мавжуда Алимова. — Яқиндан бошлаб асаб касалликларига чалинган беморларга муолажалар ўтказиш бошладик. Дарддан фориг бўлган киши дунёда энг бахтли инсон санайди ўзини. Уларга ёрдам бериш ва дарду қувончига шерик бўлиш ҳам катта бахтдир.

Ҳозирги кунда олимларимиз аёлларни табиий йўллар билан соғломлаштириш, ҳомиладор аёлларни турли касалликлардан асраш бўйича лойиҳа устида ишламоқда. Ҳар қандай аёл она бўлиши орзу қилади. Баъзи аёлларнинг соғлиги ёмонлиги сабабли фарзанд кўриш ҳаётлари учун хавфли бўлиши мумкин. Ҳўш, аёллар оналик бахтидан маҳрум бўлиб қолмасликлари учун нима қилиш керак? Уларни даволаб, оналикнинг бекаёв бахтидан бахраман бўлишларига қўмақлаштиш зарур, деб ўйлайман. Биз тайёр-

лаётган лойиҳа амалга ошса, аёллардаги бу муаммоларга барҳам берилади, оналар ва болалар ўлими кескин камаяди.

— **Мавжуда Йўлдошевна, Сиз ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти котибаси ҳам экансиз...**

— Ҳа, шундай. Бугунги кунда бошланғич партия ташкилотимизнинг 65 нафар аъзоси бор. Улар муассасамизнинг энг жонқуяр ходимларидир. Қолаверса, ХДП аъзолари жамоанинг турли оммавий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларида, сессия материаллари, ҳукумат қарорлари, Президент фармонларини тарғиб этишда фаол иштирок этади.

— **Оналар, опа-сингиллар ва қизларимизга қандай тилакларингиз бор?**

— Қачонки аёл соғлом бўлса, ундан соғлом фарзанд туғилади ва бутун жамият соғлом бўлади. Шунинг учун аёлларимиз ҳеч қачон оғриқ-масинлар, Оилаларимиз ахир, рўзгоримиз тўкин-сочин, эл-юртимиз фаровон бўлсин. Оналаримизга, хотин-қизларимизга ҳақ қачон бахтсизлик кўрмаслик бахти насиб этсин!

Беход ШУКУРОВ
сўхбатлашди



Малика Тошмуҳаммедова Тошкент виллоят Давлат солиқ бошқармасида шўба мудири бўлиб ишлайди. У ёш бўлишига қарамай зиммасига юклатилган ҳар бир топшириқни сийдиқидан бажаришга ҳаракат қилади.

Малика 2001-2002 йиллар мобайнида Банк ва молия академиясини тамомлади. Сўнгра Японияда тажриба ўтади. Инглиз тилини билади.

— Президентимиз доимо билими ёш кадрлар мамлакат келажак эҳтирофини ўқитиб келадилар. Ана шу эътибор янги-янги режаларимни амалга оширишимда қанот бўлмоқда, — дейди у.



Мавжуда ТУРСУНОВА:

«МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ РУҲИЙ УЙФОҚЛИКДИР»

«Ўзтелерадиокомпания»нинг «Ўзбекистон» телеканалда эфирга узатилаётган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви неча йилларда, томошабинлар тахсинига сазовор бўлиб келмоқда. Ҳар гал бу кўрсатув экранда пайдо бўлиши билан хонадонларда телевизор атрофига мухлислар тўпланади. Худди меҳрғеёси бордай, бу кўрсатув барча-барчани ўзига чорлайди. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз, томоша қилиб, ҳажон ва эҳтиросга берилиб юрак-юракдан тан олганмиз, кўрсатув бошловчилари — Ўзбекистон халқ артистлари Карим Хонкелдиев, Бадал Нурмухаммедов, Ориф Алимасумовни яхши қўриб қолганмиз. Лекин ана шундай кўпчиликини тўққинлантириб, қалбларни жунбушга соладиган ажойиб кўрсатувини қимлар тайёрлашни биламизми? Афсуски, кўпчилик билмайди. Ўз касбининг фидойиси бўлган заҳматқар журналист Мавжуда Турсунова 1980 йилдан буён бу кўрсатувга муҳаррирлик қилиб келади. Опанинг телевидениеда фаоли-

қадар ёрдам бериб келялган. ЎзХДП Кўкон шаҳар Кенгаши билан мустаҳкам алоқадамиз, ҳамкорлигимиз кенг қамровли. Бугунги кунда коллежимизда 3080 нафар талаба 5 та йўналиш бўйича таҳсил олмақда. Уларнинг кунт билан билим олишлари, келгусида малакали ҳамшира бўлиб етиштириш учун барча шарт-шароитлар етарли. Коллежимиз бой тарихга эга. Келгуси йили 80 ёшга тўлади. Шу кутлуғ санани муносиб нишонлаш мақсадида ўқув биноларимизни тўлиқ қайта таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик.

Япония ҳукуматининг гранти билан замонавий тиббиёт жиҳозларига эга бўлдик. Худо хоҳласа, тез орада Испания давлати кредити бўйича ҳам энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар олинади.

Коллежимизда турли тўғараклар ташкил этилган ва уларда қизларимиз турли

хунарларни ўрганишади. Талабаларимизнинг билимини, дунёқарашини ошириш мақсадида қизқарли маззуларда танловлар ўтказилиб борилади. «Сиз хуқуқингизни биласизми?» танловида қизларимиз шаҳарда 1-ўринни эгаллашди. Коллежда ўтказилган турли маданий-маърифий тадбирлардан бири бу «Устозга таъзим» учрашувидир. Бунда биз коллежимизда ишлаб ёки ўқиб кетган фахрийларимиз билан дийдорлашамиз, байрам кунлари уларни йўқликда...

— **Байрам тилакларингиз...**

— Онанинг хурсандлиги оиланинг шодлигидир. Илоҳим, ҳамма хотин-қизлар ҳамма кулиб, хурсанд бўлиб юришсин, доимо соғ-саломат бўлишсин.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
сўхбатлашди

ят бошлаганига 32 йил тўлди.

Мавжуда Турсунова асли бўқалик, мактаб тахсилдан сўнг Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини таълим олди. Сўнг телевидениеда ишлаб бошлади. 1978 йилдан «Ёшлик» студияси муҳаррири. Кейинчалик унга «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви муҳаррирлик қилиш вазифаси юкланди. Ижодий изланишлари натижасида фарзандлари камолини кўриб қувонади. Менинг ҳам оилам, икки нафар фарзанд бўлган бор. Ўғлим Шохрух, қизим Гулруҳнинг муваффақиятларини кўриб хурсанд бўламан. Ҳар қандай онанинг энг катта бойлиги, ҳаётининг мазмуни шу! Экранга олиб чиқаётган саҳна асарларим ҳам мен учун азиз. Улар экран юзини кўрган кун мен ва оилам учун катта шодлик.

Инсон бор, у ҳаётда катта бахт қуршоғида яшайди, инсон бор жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнига, ўз овозига эга бўлади. Ўзгага муруват кўрсатиш учун эса одамнинг кўнгил кўзи тийрак, руҳи уйғоқ бўлиши керак. Зеро, Мавжуда опа ўзгача бахт улаштириш эзгу ниятларга эш аёлдир.

Бердамбек САЪДУЛЛАЕВ

Эътироф

Ўзбек халқи тарихида аёллар катта мақомага эга. Улар ўз эркини ҳеч нарсага алмаштиришни истамасдилар...

Тарихчи олим ал-Табарий туркий қабилаларда хотин-қизларга нисбатан ҳурмат ва эътибор юксаклигини шундай изоҳлайди...

АЁЛЛАР ҲАМИША КУЧЛИДИРЛАР

— ДЕЙДИ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ ЖАМИЛ САЙИД ИБРОҲИМ ФАЕД

— Жаноб элчи, маълумки инсон ҳаётини аёлсиз тасаввур қилиш қийин. Шаҳсан Сиз, миллатидан қатъи назар, аёлга қандай таъриф берган бўлардингиз?

— Энг биринчи навбатда аёл — она. Оналик жуда улғу мартаба. Аёл фарзанд тарбиялайди, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланади, эрталаб эрини ишга кузатиб, кечқурун кутиб олади...

— Энди ўзбек аёли ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан таништирсангиз.

— Илк таассуротим шу бўлдики, ўзбек аёли оиланинг асоси. У ўз оиласини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр. Болаларига гамхўр ва меҳрибон. Мусулмон шарқи аёлларига хос бўлган юксак одоб-ахлоқи бор...

Кўп ҳолларда аёлга нисбатан оқибат сўзини ишлатишадди. Бунга сира ишонгим кел-

майти. Аксинча улар ҳаммаша бақувват ва кучлидирлар. Ўзларини кучли қилиш учун қурооллари ҳам бор: гўзаллик, мулоиймлик, мардоналик, маъуслик, камтарлик, ўқтамлик, тadbirkorlik, меҳр-муҳаббат, оқибат. Ушбу фазилатлар битта рўҳиятнинг минг бир жилоларидир.

— Энди ўзбек аёли ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан таништирсангиз.

— Илк таассуротим шу бўлдики, ўзбек аёли оиланинг асоси. У ўз оиласини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр. Болаларига гамхўр ва меҳрибон. Мусулмон шарқи аёлларига хос бўлган юксак одоб-ахлоқи бор...

Кўп ҳолларда аёлга нисбатан оқибат сўзини ишлатишадди. Бунга сира ишонгим кел-

уларга ўз таъсирларини ўтказар эдилар. Туркий халқларда хотин-қизлар маъқеи кучлилигини билган Хитой императорлари эса ўз қизлари ёки жасур ва гўзал аёлларни Довон ўлкаси ҳукмронлигига жўнатарди...

Тарихда Туркон хотун ёрлиги оқила, фозила ҳукмдор аёллар кўп бўлган. Улар ҳоқон ва хон ёки оталик сифатида сийдатда, давлатни бошқаришда қатнашганлар. Халқнинг маданияти унинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан ўлчанади...

Сўхбатдошимиз — Жамил Сайид Иброҳим Фаед жаноблари ҳам байрамолди мулоқотимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

лар мавжуд. Улардан бири Аналик ва болалик марказидир. «Миср миллий Аёллар уюшмаси»га эса Президентимиз Хусни Муборакнинг рафиқаси раҳбарлик қилади ва ҳомийлик кўрсатади.

— Ҳар йили 21 мартда юртингизда «Оналар байрами» бўлиб ўтар экан, шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Март ойини негандир аёллар ойи дегим келади. Эҳтимол гўзал ва нафис бир фасл — баҳор бошланаётганлиги учун шундайдир. Мартнинг саккизинчи санасида Халқаро хотин-қизлар байрамини нишонлаймиз.

— Энди ўзбек аёли ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан таништирсангиз.

— Илк таассуротим шу бўлдики, ўзбек аёли оиланинг асоси. У ўз оиласини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр. Болаларига гамхўр ва меҳрибон. Мусулмон шарқи аёлларига хос бўлган юксак одоб-ахлоқи бор...

Кўп ҳолларда аёлга нисбатан оқибат сўзини ишлатишадди. Бунга сира ишонгим кел-

лар мавжуд. Улардан бири Аналик ва болалик марказидир. «Миср миллий Аёллар уюшмаси»га эса Президентимиз Хусни Муборакнинг рафиқаси раҳбарлик қилади ва ҳомийлик кўрсатади.

— Ҳар йили 21 мартда юртингизда «Оналар байрами» бўлиб ўтар экан, шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Март ойини негандир аёллар ойи дегим келади. Эҳтимол гўзал ва нафис бир фасл — баҳор бошланаётганлиги учун шундайдир. Мартнинг саккизинчи санасида Халқаро хотин-қизлар байрамини нишонлаймиз.

— Энди ўзбек аёли ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан таништирсангиз.

— Илк таассуротим шу бўлдики, ўзбек аёли оиланинг асоси. У ўз оиласини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр. Болаларига гамхўр ва меҳрибон. Мусулмон шарқи аёлларига хос бўлган юксак одоб-ахлоқи бор...

Кўп ҳолларда аёлга нисбатан оқибат сўзини ишлатишадди. Бунга сира ишонгим кел-

Кўп ҳолларда аёлга нисбатан оқибат сўзини ишлатишадди. Бунга сира ишонгим кел-

Шарҳ

Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ҳаммаша мураккаб бўлиб келган. Бугунги кунда Болтиқбўйи давлатларидаги, биринчи навбатда Латвиядаги русийзабон халқларнинг ҳуқуқлари, Чеченистондаги аҳоли, шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларнинг тартиб-қоидалари билан боғлиқ муаммолар ўзаро муносабатларда муҳомама ва мунозара сабабчиси бўлиб келмоқда...

Ҳозир Европа Иттифоқида 15 та давлат аъзо. Шу йил 1 май куни уларнинг сонига яна 10 та қўшилади. Яъни Литва, Латвия, Эстония, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Кипр, Мальта Европа Иттифоқида қабул қилинади. Аксарияти Россиянинг яқин қўшнилари. Тасаввур қилинг, май ойидан бошлаб қўшнилари билан бутунлай янгича муносабатлар ўрнатиш керак бўлади. Бунга Россия тайёрми? Ҳозирча бу саволга жавоб йўқ. Томонлар эса ўз шартларини қўйишяпти. Европа Иттифоқида аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Кенгаши яқинда қабул қилган қарорга кўра, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасида имзоланган ва ҳозир амал қилаётган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим май ойидан бошлаб 25 давлатнинг ҳаммасига жўриқ этилиши керак. Бунга сабаб шунки, май ойидан бошлаб Европа Иттифоқи 25 та давлатни бирлаштирадиган ягона ташкилот бўлиб, Россия ўз муносабатларида олдинги 15 та давлатга нисбатан алоҳида ва кейинги 10 та давлатга нисбатан алоҳида тартиб-қоидаларни қўллаши мақсадга мувофиқ эмас. Гап асосан савдо-иқтисодий алоқалар ҳақида борапти. Россия бунга қарши. Яъни шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасидаги ҳуқуқий тартиб-қоидалар Европа Иттифоқи аъзоллигига қабул қилинадиган ўн та давлатга нисбатан қўллашнинг ҳозирча тўхтаб туриши талаб қилмоқда. Чунки, бу ўн та давлат ўз молларини Россияга ҳозиргача қараганда анча қimmat баҳоларда сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан Россия катта иқтисодий зарар кўради.

Ҳозир вазият шундайки, Европа Иттифоқи ҳам ўз қароридан қайтмоқчи эмас, Россия ҳам ўз фикрини ўзгартирмоқчи эмас. Бир томон, агар ўн та давлатнинг ҳақ-ҳуқуқи тан олинмаса иқтисодий санкция қўллаш билан оғоҳлантираётган бўлса, иккинчи томон, ҳар йили савдодан қўрила-

диган зарарни қоплаш учун ўн тўрт банддан иборат ўз шартларини кўндаланг қилиб қўймоқда. Россия фақат иқтисодий зарар қўришдан ёки эски қўшиллар билан энди янгича муносабатлар ўрнатишга, яъни бироз бегоналашишга мажбур бўлишдангина ташвишга тушаётгани йўқ. Россиянинг фикрича, бир қанча Европа мамлакатлари билан виза масаласида муаммолар келиб чиқади, Болтиқбўйи мамлакатларидаги русийзабон аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари борасидаги даъволари етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги мумкин. Шунингдек, Европа Иттифоқи тез-тез эсла-

ларига ўтиш масаласи ўтган йили Санкт-Петербургдаги саммитда муҳомама қилинган эди. Европа Иттифоқининг бу тизими доирасида мавжуд тартибни енгилаштириш имкониятларини излаб топиш зарур. Умуман, бу борада ишлар олиб борилапти. Эҳтимол Москвада ўтказиладиган саммитда масала ўз ечимини топар. Бирок визасиз қатнашни жорий этиш масаласи бир мунча мураккаб жараён. Бу юксак даражада расмий равишда олиб бориладиган музокара мавзусидир. Россиянинг ўзида эса Европа Иттифоқининг 2004 йил 23 февраль куни қабул қилган қарорига

ган айрим давлатлар вакиллари билан қарашли қандай? Турки, уларнинг аксарияти Россия билан муносабатларни кескинлаштириш ниятида эмаслар. Шу жумладан, Болтиқбўйи давлатлари ҳам. «Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги яхши муносабатлар Эстония учун жуда муҳим» деди шу давлатнинг ташқи ишлар вазири Кристинна Юланд. Европа Иттифоқида хавфсизлик ва ташқи сийсатга жавоб берувчи комиссар Хавьер Солана Россиянинг стратегик шерик эканлигини эслатар экан, муаммони ҳал этишнинг имкониятла-

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА РОССИЯ: ҲОЗИРГИ ВАЗИЯТ ЎТКИНЧИ

тиб турган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ нозик масала Россияга таъзия қўлдики туриш воситаси бўлиб қолиши мумкин.

Ўринли савол туғилади: томонлар ён босмоқчи эмас эканлар, муносабатларни тобора мураккаблаштиришдан қўра, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни қайта кўриб чиқилган яхши эмасми? Афтадан, томонлар бу борада ҳам бош қотиришаётган кўринади. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида берилётган хабарларга қараганда, Россияга нисбатан Европа Иттифоқида бунга хайрихоҳлик бор. Жумладан, Еврокомиссиянинг ташқи алоқалар бўйича аъзоси Паттен «Независимая газета»га берган интервьюсида ана шу мақсадга йўналтирилган саммит шу йил май ойида Москвада ўтказилиши мумкинлигига ишора қилар экан, шундай дейди: «Биз Россиядаги шериклар билан тил топишиб кетиш ва икки ўртада юзага келган масалаларни ҳал этиш имкониятини ишга солинишига ишонамиз».

Еврокомиссиянинг Россиядаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Райт ҳам бу борадаги ўз фикрини ана шу йўналишда баён қилди. Шунингдек, у виза масаласида туғилиши мумкин бўлган муаммо юзасидан изоҳ бериб деди: «Бу узак мuddатли жараён. Фўқароларнинг визасиз қатнов-

муносабат турлича. Ҳукумат истеъфога чиққандан бери ташқи ишлар вазири вазифасини бажарётган Игорь Иванов оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шувларга жавоб бериб, Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай инқироз юз бермаганлигини таъкидлаб ўтган. Унинг ўринбосари В.Чижов ҳам худди шундай мазмунда баёнот берди. «Европа Иттифоқининг кенгайиши ҳуқуқий асосга эга бўлгунча қадар кўпгина муаммоларни ҳал қилиб, ечимнинг бошқа йўллари топиб олишимиз учун ҳали вақт ва имкониятларимиз бор» деди Владимир Чижов ўз баёнотида.

Бирок расмий доираларда кескин фикрлар ҳам йўқ эмас. «Родина» фракциясидан Давлат думаси вице-спикери этиб сайланган Дмитрий Рогозиннинг фикрича, Россия Европа Иттифоқининг шартини қабул қилмаслиги керак. «Россия Брюсселнинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилмайди — у аввало ўзининг миллий манфаатлари тўғрисида қайғуриши зарур» деди Рогозин матбуот учун берган баёнотида. Унинг таъкидлашича, бу масалада Россия қатъиятлик кўрсатиши ва Европа Иттифоқининг ҳар бир янги аъзоси билан алоҳида битим имзолаши лозим.

Ҳўш, бу масалада Европа Иттифоқининг аъзоси бўлган ҳамда энди аъзоликка қабул қилинади-

ри йўқ эмас, деб ишонч билдирди. Франция президенти Жак Ширак ўз фикрини аниқ-қабат баён қилар экан, Москва Европа Иттифоқининг шарқ томон кенгайишига кўникиб олгунча қадар унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигига эътиборни қаратди. «Россия ўзининг жаҳондаги қонуний ўрнини қайтаришга уриниб кўряпти. Бундай пайтда биз уни бу уринишларига дўстона муносабатда бўлаётганлигимизга ишонтира олишимиз зарур» деди Жак Ширак ўтган ҳафтада ўзи ташриф билан берган Венгрияда ўтказган матбуот анжуманида.

Демак, Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетди, дейишга ҳозирча ҳеч қандай асос йўқ. Юзага келган муаммони ҳал қилишнинг имкониятлари катта. Агар Европа Иттифоқи аъзо давлатларга етказиб берилётган нефть ва газнинг асосий қисми Россия ҳиссасига тўғри келиши, умуман, Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги то-вар айланиши улуши 46 фоизни ташкил этиши эътиборга олинмаган бўлса, уларнинг бир-бирларидан ажраб қоллишига ёки узоклашиб кетишларига ишонч қийин. Бизнингча, ҳозирги вазият ўткинчи.

Иброҳим НОРМАТОВ, сийсий шарҳловчи

Advertisement for BMS (BURSEL HOLDING MITSUBISHI CORPORATION SADO JSC) featuring a large circular logo with the text '«ОКСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ ЛТД»' and 'КЎШМА КОРХОНАСИДА'. The ad describes the company's ISO 9001-2000 certification, its products (knitwear), and its international presence. It includes contact information and a list of clients like 'Америка Қўшма Штатлари' and 'Япония'.

Спорт

НАЗОКАТ ВА НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ



Оқсаройда ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишларидан бирида соҳада олиб борилган ишлар хусусида сўз юритилар экан, ўзбек кизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг но- зик жиҳатларини чу- қур таҳлил қилиш ло- зимлиги, аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, ай- никса, ифбатли ва ибодил кизларимизга тўғри келавермаслиги ҳақида гап борганди. Кизларимизнинг соғлом ва дурқун улғайиш- ларига хизмат қиладиган спорт турларидан бири эса бади- ий гимнастикадир. Бу спорт турини ривожлантириш бо- расида кейинги йилларда республикамизда бир қатор хайрли ишларга қўл урилди. Қисқа вақтда бу ўз самара- сини бера бошлади... Кизларимиз яна дунё мусобақала- рида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Мухбиримиз бадиий гимнастика бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи, Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси бош котиби Зарина АБДУЛЛАЕВА билан суҳбатлашди.

— Зарина Абзамовна, узок танаффусдан сўнг Ўзбекистон гимнастикачилари яна халқ- аро мусобақаларда Ватани- миз шарафини ҳимоя қилиш- моқда. Куни кеча спортчилар- имиз Москвада ўтган Жаҳон кубоги ҳамда гран-при тур- кумидаги «Алина-2012» халқ- аро турнири баҳсларида иш- тирок этиб қайтишди. Ушбу мусобақалар натижалари ҳақида тўхталсангиз...

— Аввало, шуни айтиш ке- ракки, Юртбошимизнинг эътибори билан мамлақати- мизда бадиий гимнастика қайтадан дадил ривожлана бошлади. Гимнастикачилари- миз сўнгги ўн икки йилда би- ринчи марта Жаҳон кубоги баҳсларида қатнашди. Кучли- лар қаторидан жой олмаган бўлсак-да, кизларимизнинг

(Мамлакатимизда бадиий гимнастиканинг бузуғи аҳоли, ютуқ- лар, муаммолар ва режалари ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил ҳикоя қилинади.)

Газетанинг навбатдаги сони 11 март, пайшанба куни чақди.

БАЙРАМГА БИР КҮН ҚОЛДИ



Владимир ПАНОВ олган сурат

Аёллар ҳақида мақоллар

Ўғил билан қизинг гўё икки кўзинг. Ўғил — уйнинг булбули, қиз эса гули. Ўғил қанотли от, қиз эса қанотли қўш. Умр йўлдошингни маҳрига боқма, меҳрига боқ. Аёл хусни — ифатда. Яхши қизга ипак илашуру, ёмон қизга тикан.

Кийимни янгилигидан, ор-номусни ёшлиқдан сақла. Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Хусни аёл — кўнгул ёзиғи, Хушмуомала аёл — жон озиғидир. Юнус ЗИЁДОВ тайёрлади

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши 2004 йил 9 апрель куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри А.Толстой кўчаси, 1-уйда бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

1. Кузатув кенгаши ва давлат ишончли вакили ҳисоботи ҳамда фаолияти тўғрисида.
2. «Ўзбекистон почтаси» ДАК-нинг 2003 йил почта алоқаси корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш-нинг асосий йўналишлари тўғрисида компания Бош директори-нинг ҳисоботи.
3. «Ўзбекистон почтаси» ДАК-нинг 2004 йил учун ишлаб чи- қилган бизнес-режасининг асо- сий кўрсаткичлари — соф фой- да олиш, самарадорликни оши- риш, дивидендлар тўлаш, хиз- матлар ҳажми ва сифатини оши- риши кўзда тутилган ҳолда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
4. «Ўзбекистон почтаси» ДАК молиявий-хўжалик фаолияти- нинг 2003 йил иш якунлари ба- лансини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви ҳулосаси, тафтиш гу- руҳи далолатномасини тасдиқ- лаш.
5. Соф фойданинг тақсимла- нишини тасдиқлаш.
6. Дивиденд тўлови тўғрисида.
7. 2004 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
8. «Ўзбекистон почтаси» ДАК ижроия органини 1 йил муддат- га ишга ёлғаш бўйича шартнома тузиш (қайта тузиш).

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядор- лар рўйхати 2004 йил 4 март ҳолатига тузилган. Акциядорлар реестри 2004 йил 4 март ҳолатига ёпилади. Акциядорлар маълумотлар билан «Ўзбекистон почтаси» ДАК бошқаруви манзили: А.Толстой кўчаси, 1-уйда та- нишишлари мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 дан 10.00 гача амалга оширилади. Ак- циядорларда ўз паспортлари, ҳамда нотариал тасдиқланган ишончномалари бўлишлари шарт. «Ўзбекистон почтаси» ДАК Кузатув кенгаши

KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
Харидорларни кимосҳди савдоларига таклиф қиладди: 2004 йил 9, 12, 16, 19, 23, 26, 30 март ҳамда 2, 6, 9, 13, 16, 20, 23, 27, 30 апрель кунлари бўлиб ўтадиган кимосҳди савдоларига қуйилган ер майдонлари қуйидади: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 31 та ер майдони.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 512 000 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курувчи» мавзе- сида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 12 та майдони.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 153 600 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курувчи» мавзе- сида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган 1 та ер майдо- ни.
Бошланғич нархи — 576 800 сўм.
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳа- сида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер май- донлари:
Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61- уйлар орасидаги, Спут- ник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спут- ник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 428 400 сўм.
Кимосҳди савдоларига қуйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтати- лади.
Кимосҳди савдолари соат 11.00 да бошланади. Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Ми- робод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.
Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорда закат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Asliddin RUSTAMOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbob SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari (Golos Uzbekistona)) Nomoz SA'DULLAYEV Rahima HAKIMOVA To'lepbegen QAIPIBERGENOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLARI:	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-57-20 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Katlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:	700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Naybachi: Farroh HAMROYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 464 13418 nusxada bosildi t — Tijorat materiali Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 1 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA

Акциядорлик тижорат «ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

TURON BANK

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва баҳор байрами - 8 март билан самимий қутлайди!

Азиз аёллар, Сизларга сўхат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Хамиша бахтиёр бўлингиз! Гўзал ва суюқлик бўлингиз!